

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИГА ОИД ХАЛҚАРО НОРМАЛАР ТАХЛИЛИ

Умарова Рўзигул Шералиевна,
“Ижтимоий фанлар” кафедраси доценти,
Тошкент давлат транспорт университети

Хасанова Вазира Хамиджановна,
“Ўзбек (рус) тиллар” кафедраси мудири,
Тошкент давлат транспорт университети

Аннотация

Мақолада бола ҳуқуқлари ва халқаро ва мамлакатимиздаги бола ҳуқуқлари, шартлари, яшаш ҳуқуқи, ривожлана олиш ҳуқуқи, Болалар зўравонлик ва эксплуатация қилинишдан ҳимояланган бўлилари, Иштирок этиш ҳуқуқи Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган халқаро механизмлар, Болаларни ҳимоя қилишга қаратилган нодавлат ташкилотлар тўғрисида маълумотлар тахлили келтирилган.

Калит сўзлар: Ҳуқуқ, бола ҳуқуқи, ўйин, ҳордиқ чиқариш, маданий фаолиятлар, ахборот олиш, виждоний поклик.

Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий ҳужжатларида аёллар билан биргаликда бола яъни ёшлар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳам ўз аксини топгандир. Белгиланган қоидаларга риоя қилмаганлик учун эса жавобгарликлар кўрсатилган.

Бола ҳуқуқларига оид халқаро нормалар. 1989 йилдаги Бола ҳуқуқлари конвенцияси. Конвенция 54 моддани ўз ичига олган бўлиб, уларни 4та категориядаги ҳуқуқларга бўлиш мумкин:

1. Яшай олиш ҳуқуқи: бола талабларини қондириш ва ҳаётий ҳуқуқларини ўзида мужассам этиш каби асосий шартларни ҳамда тиббий хизматдан фойдалана олиш, овқатланиш, бошпанага эга бўлиш каби адолатли меърларни ўз ичига олади.
2. Ривожлана олиш ҳуқуқи: болаларнинг ўз қобилиятларини кенгроқ ривожлантиришга эришишлари зарур. Масалан, билим олиш, ўйин, ҳордиқ чиқариш, маданий фаолиятлар, ахборот олиш ва виждоний поклик каби ҳуқуқлар.
3. Болалар зўравонлик ва эксплуатация қилинишдан ҳимояланган бўлишлари шарт. Бу борада ҳуйидаги муаммоларга, яъни: қочоқ болалар масаласидаги муаммоларга, адлия тизимидаги зўравонликларга ва қийноқларга, болаларни қуролли можароларга жалб этиш муаммоларига, болалар меҳнатига, балоғат ёшига етмаганларни сексуал эксплуатация қилиш ва ўсмирларнинг гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш муаммоларига алоҳида эътибор берилган бўлиши керак.
4. Иштирок этиш ҳуқуқи: болани жамият ва мамлакат ҳаётида фаол иштирок этишга чорлайди. Бу категория, болаларнинг ҳаётга тааллуқли бўлган муаммолар бўйича жаўоншумул йиғилишларда ва тадбирларда иштирок этиш ҳуқуқини ва ўз фикр-мулоҳазаларини айтишда эркин бўлиш каби ҳуқуқларини белгилайди. Боллар улғайиб боришлари давомида жамият ҳаётида фаол иштирок этиш учун барча пайдо бўлиб борувчи имкониятларнинг ҳаммасига эга

бўлиб боришлари ҳамда ҳаётий муҳим ечимларнинг масъулиятини хис қилган ҳолда уларни ўз зиммаларига олишга тайёр бўлишлари керак.

Ювенал адлия тушунчаси. Ювенал юстиция (Juvenile Justice) – балоғатга етмаган болалар ишлари бўйича одил судлов юритувчи органлар тизими, суд соҳасининг ўзига хос ҳуқуқ нормалари мажмуи ва процессуал принциплари, судлов ҳокимиятини амалга оширишнинг алоҳида шакллари ва усуллари тизимидир.

Вояга етмаган шахслар орасида жиноятчиликни олдини олишга қаратилган нормалар.

Вояга етмаган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган халқаро ҳужжатлар:

БМТнинг балоғатга етмаган болаларга нисбатан одил судлов юритишга доир минимал стандарт қоидалари. (Пекин қоидалари), БМТнинг балоғатга етмаган болалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган дастурий принциплари. (Эр-Рияд дастурий пинциплари).

БМТнинг озодликдан маҳрум этилган балоғатга етмаган болаларни ҳимоя қилишга доир қодилари.

БМТнинг қамоқда сақлаш билан боғлиқ бўлмаган чораларга доир минимал стандарт қоидалари (Токио қоидалари).

Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган миллий механизмлар.

Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган халқаро механизмлар. **Бола ҳуқуқлари бўйича кўмита**. Бу Кўмитанинг биринчи сессияси 1991 йилда бўлиб ўтган. Кўмита ўн нафар экспертдан иборат. Унинг зиммасига бола ҳуқуқларини рағбатлантириш учун курашаётган, Конвенция қатнашчиси бўлган барча давлатлар ўртасида мунтазам мулоқот йўлга қўйилишини таъминлаш вазифаси топширилган ¹.

Кўмита жаҳон болаларининг тинчлиги ва фаровонлигига таҳдид солувчи омилларни аниқлаб, муайян муаммоларнинг амалий ечимини изламоқда, уларни ҳал қилиш учун одамларни ва молия ресурсларини сафарбар этиш чораларини кўрмоқда ҳамда жамоатчиликнинг хабардорлик даражасини оширишга, бола ҳуқуқларини ҳимоя этиш ва рағбатлантиришдаги иштирокини кенгайтиришга кўмаклашмоқда. Кўмита ана шу мақсадда мазкур соҳада жўшқин фаолият олиб бораётган бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Кўмита 1989 йил қабул қилинган Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилган ёки унга қўшилган давлатлар ўзларининг бу борадаги мажбуриятларини қай тарзда бажараётганликларини кузатиб боради. Конвенция қатнашчиси бўлган давлатлар Конвенция бажарилишига қаратилган тадбирлар ҳақидаги ва бола ҳуқуқларини амалга ошириш соҳасидаги тараққиёт тўғрисидаги маърузаларни мунтазам равишда шу Кўмитанинг ўзига тақдим этадилар. Бу маърузаларнинг миллий даражада ошкор этилиши ва кенг оммалаштирилиши таъминланади.

Болаларни хар томонлама соғлом ва етук ўсиши ва тарбияланиши учун мамлакатимизда амалга оширилаётган тадбирлар.

Болаларни ҳимоя қилишга қаратилган нодавлат ташкилотлар.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда болалар уйлари тарбияланувчилари 3 ёшдан 17 ёшгача бўлган болаларни ташкил этади. Болалар уйлари – етим болалар ва ота-оналари васийликдан маҳрум этилган болалар учун давлат интернат таълим муассасасидир.

¹ Қаранг: Права ребенка. Женева, 1992.

References:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги 2008 йил 7 январь қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2008. – № 1-2. – 1-м.; 2009. – №52. – 554-м.
2. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция ва унинг Факультатив протоколлари. / Ўзбекча нашр учун маъсул муҳаррир А. Х. Саидов. – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2009. – 72 б.
3. А. Х. Саидов, А. Ш. Жўзжоний “ШАРҚ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ: ИНСОН ВА ҲУҚУҚ” (ўтмиш ва ҳозирги замон). Тошкент “Адолат”, 2005. – 272 б.
4. ВХ Хасанова ПРЕПОДАВАНИЕ РУССКОГО ЯЗЫКА ПРИ ПОДГОТОВКЕ МЕЖДУНАРОДНЫХ СПЕЦИАЛИСТОВ В ОБЛАСТИ ТРАНСПОРТА: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ// - Academic research in educational sciences, 2022
5. ВХ Хасанова.АУДИРОВАНИЕ, УСТНАЯ РЕЧЬ, ЧТЕНИЕ И ПИСЬМО НА ЗАНЯТИЯХ ПО РУССКОМУ ЯЗЫКУ В ТЕХНИЧЕСКИХ ВОУ// Academic research in educational sciences, 2022
6. Р.Ш Умарова .Бытие и философские взгляды Абу Райхана Беруни// Достижения науки и образования, 2019
7. Р.Ш Умарова.Основы духовно-нравственного воспитания молодежи в трудах Абу Райхана Беруни //Проблемы науки, 2019
8. Р.Ш Умарова.Натурфилософия Абу Райхана Бируни// Вестник науки и образования, 2020
9. Р. Умарова .Некоторые аспекты взаимоотношений природы, человека и общества во взглядах Абу Али Ибн Сино и Абу Райхан Беруни//Theoretical & Applied Science, 2015
10. Акмал Мухитдинов, Камолиддин Зияев,Методика циклов методом синтеза.2021.// Сеть конференций Е3S. 6/4Том№264.-С.01033
11. АнваровичМ.А., Зухритдинович З.К. Метод оценки энергоэффективности регулируемых ездовых циклов. // Обзор европейской науки, 2016 г.
12. Камолиддин Зухритдинович Зияев.Метод определения транспортной интенсивности в городских условиях20224/9.Том№264.-С.111-114
13. K Ziyaev The Appeal is at the Center of Youth Issues .// Academic Journal of Digital Economics and Stability, 2021 Том №6.-С.-36-38
14. K.Z.Ziyayev -Method of quantitative research of navoi city on the basis of choice of traffic flow.// The Scientific Journal of Vehicles and Roads, 2021 Том №2.-С 27-36
15. U Ruzigul, J Nasirjan, A Dilmurodkhakim, H Mirshod.Rationale and history of human reflections in the muslim philosophy// International Journal of Advanced Science and ..., 2020
16. Р.Ш Умарова, ГБ Абдукаримова, ЭА Тухтабоев .Вклад Абу Райхана Беруни в развитие философии Ближнего, Среднего Востока и мировой науки.//Проблемы науки, 2019
17. Р.Ш Умарова.Основы духовно-нравственного воспитания молодежи в трудах Абу Райхана Беруни //Проблемы науки, 2019.